

А Ж Р И М

2019 йил 10 июль

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг судлов ҳайъатида раислик қилувчи – ушбу суднинг судьяси М.Байниязов, ҳайъат аъзолари – судьялар А.Абдикаримов ва Т.Турдумуратовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Б.Бердибаевнинг котиблигида, тарафлардан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг бўлим прокурори Д.Исмаилова, судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячи адвокати М.Наурузбаев, судланган [REDACTED] ҳамда уларнинг ҳимоячи адвокати И.Курбанбаевнинг иштирокида, [REDACTED] нисбатан чиқарилган Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг 2013 йил 02 сентябрдаги ҳукми устидан судланган [REDACTED] ҳамда уларнинг адвокатлари М.Наурузбаев ва И.Курбанбаевлар билан биргаликда берган шикоятларига асосан, жиноят ишни очик суд мажлисида кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Суднинг ҳукми билан:

[REDACTED] Магадан вилоятида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, (аввалги паспорти бўйича миллати ўзбек бўлган, янги паспорти бўйича миллати русга ўзгарттирилган), маълумоти олий, давлат мукофотлари олмаган, депутатликка сайланмаган, муқаддам судланмаган, Нукус шаҳар [REDACTED]

[REDACTED] лавозимида ишлаган, Нукус шаҳри [REDACTED] яшовчи, эҳтиёт чораси гаров қўлланилган [REDACTED],

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «а,г» бандлари, 167-моддаси 2-қисми «б,в,г» бандлари ва 209-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатининг 2011 йил 5 декабрь кунги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорининг 1-банди «а» кичик бандига асосан жазо тайинланмасдан жазодан озод қилинган.

[REDACTED] гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаровга қуйилган баҳоси 1.800.000 сўмлик «LG» русумли LCD TV PLASMA TV телевизори ўзига қайтариб берилган.

Чимбой туманида туғилган, миллати қорақалпоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, депутатликка сайланмаган, муқаддам судланмаган,

бошлиғи, Нукус шаҳри кўчаси рақамсиз уйда яшовчи, эҳтиёт чораси гаров қўлланилган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «а,г» бандлари, 167-моддаси 2-қисми «б,в» банди ва 209-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатининг 2011 йил 5 декабрь кунги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорининг 1-банди «а» кичик бандига асосан жазо тайинланмасдан жазодан озод қилинган.

гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаровга қўйилган баҳоси 1.600.000 сўмлик «Samsung» (RT2AS) русумли музлатгичи эгаси М.Уббиевга қайтариб берилган.

Хўжайли туманида туғилган, миллати қорақалпоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзанди бор, давлат мукофотлари олмаган, депутатликка сайланмаган, муқаддам судланмаган,

хамшира, Нукус шаҳри яшовчи, эҳтиёт чораси гаров қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,210-моддаси 2-қисми «а,г» бандлари, 167-моддаси 2-қисми «б,в» бандлари ва 209-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли деб топилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатининг 2011 йил 5 декабрь кунги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорининг 1-банди «а» кичик бандига асосан жазо тайинланмасдан жазодан озод қилинган.

гаров эҳтиёт чораси бекор қилиниб, гаровга қўйилган баҳоси 1.500.000 сўмлик «Samsung» русумли ЖК телевизори ўзига қайтариб берилган.

Жиноят оқибатида давлатга етказилган 13.810.429 сўм моддий зарарнинг 5.229.700 сўми ундирилганлиги эътиборга олинган.

Судланувчилар солидар тартибда давлат фойдасига 8.580.729 сўм ундирилиши белгиланган.

Судланувчилар пора тариқасида олган 2.380.000 сўм пуллари солидар тартибда давлат даромади фойдасига ундирилиши белгиланган.

Суд ҳукмига кўра, судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми «а,г» бандлари, ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «б,в» бандлари ва ЖКнинг 209-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятларни касддан содир қилганликта айбланиб, судланган.

Судланган [REDACTED] ҳимоячи адвокати М.Наурузбаев билан биргаликда берган шикоятда ўзининг айбсизлиги ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини бекор қилиб, оқлашни сўраган.

Судланган [REDACTED] ҳимоячи адвокати И.Курбанбаев билан биргаликда берган шикоятда ўзининг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, ЖКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан реабилитация қилишни сўраган.

Судланган [REDACTED] ўзининг шикоятда ўзининг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, ЖКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан реабилитация қилишни сўраган.

Судлов ҳайъати судьянинг маърузасини, прокурорнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги, ҳимоячи адвокатларнинг шикоятларни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, судланганларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят ишида тўпланган далилларни текшириб, уларга баҳо бериб, кассация шикоятлари важларини муҳокама қилиб, қуйидагиларга асосан суд ҳукмин ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Биринчи инстанция суди томонидан жиноят иши бўйича судланган [REDACTED] нисбатан исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, далилларга тўғри баҳо берилиб, иш бўйича ҳақиқат аниқланган.

Судланган [REDACTED] суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айблари, суддаги гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган С.Саменова, Б.Еримбетова, М.Ажиниязова, К.Карашаева, А.Жанназарова, С.Давлетярова, З.Сметуллаева, К.Алиев ва З.Калмуратоваларнинг фарзандларини боғчага жойлаштириш учун борганларида, судланувчилар боғчага жойлаштириш учун тиббий маълумотнома олиш керак эканлигини айтиб пул сўраганликлари, уларга нима учун пул бериши кераклигини сўраганларида, улар боғча сил касаллиги бўлган болалар учун ихтисослаштирилганлигини айтгани, шунинг учун болаларга сил касаллиги ҳақида ҳужжатларни тўғирлаш кераклигини айтганликлари учун уларга пул берганликлари, лекин болалари сил касали бўлмаганликлари ҳақида берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида бевосита текширилган ишга алоқадор бўлган мақбул деб топилган ва ҳукмда баён этилган иш юзасидан тўпланган далиллар мажмуи билан тўла исботланган.

Судланган [REDACTED] ҳимоячи адвокатлари билан биргаликда берган шикоятларидаги келтирилган айбсизлиги ҳақидаги важлари қуйидагилар, яъни:

жиноят ишининг 1-жилд, 5-7-варақларидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Назорат-тафтиш

бошқармаси томонидан Нукус шаҳар [REDACTED] 2009 йил 1 июль кунидан 2011 йилнинг 01 сентябрь кунига қадар ораликдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текширув ҳулосаси билан, жиноят ишининг 1-жилд, 8-15-варақларидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан Нукус шаҳар [REDACTED]

[REDACTED] 2009 йил 01 июль кунидан 2011 йил 01 сентябрь кунига қадар ораликдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш ишларнинг натижаси бўйича тузилган акти билан; жиноят ишининг 1-жилд, 17-19-варақларидаги Қорақалпоғистон Республикаси Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан Нукус шаҳар [REDACTED]

2009 йилнинг 01 июль кунидан 2011 йил 01 сентябрь оралигида тарбияланаётган болаларнинг тиббиёт ҳужжатларининг тўғрилигини, ушбу боғчада тарбиялаш асослари ўрганиб чиқилиб, 2011 йил 28 сентябрдаги тузилган акти билан, жиноят ишининг 1-жилд, 39-варағидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Назорат-тафтиш бошқармасининг Нукус шаҳар [REDACTED]

[REDACTED] озиқ-овқат маҳсулотларнинг қолдиги юзасидан 2011 йил 12 сентябрь куни тузилган акти билан, жиноят ишининг 1-жилд, 41-варағидаги Нукус шаҳар 6-сонли мактабгача таълим муассасасининг 2010 йилнинг штатлар жадвали нормативдан ортиқ киритилиб, харажатлар сметасига ортиқча режалаштирилиб сарф қилинган харажатлар ҳақидаги маълумотномаси билан, жиноят ишининг 1-жилд, 43-варағидаги Нукус шаҳар [REDACTED]

[REDACTED] ходимларининг меҳнат иш ҳақилари ҳисобидан ҳар турли жамғармаларга ўтказилган харажатларнинг ходимларнинг иш ҳақиларидан ушланиб қолинмаган миқдори ҳақидаги маълумотномаси билан, жиноят ишининг 1-жилд, 44-варағидаги Нукус шаҳар [REDACTED]

[REDACTED] иш ҳақисидан ушланиб қолинмаган сўмма ҳақидаги маълумотномаси билан, жиноят ишининг 1-жилд, 45-варағидаги Нукус шаҳар [REDACTED]

тарбияланган болаларга сарф қилинган озиқ-овқатлар сўммаси ҳақидаги маълумотномаси билан, жиноят ишининг 1-жилд, 174-201-варақларидаги Нукус шаҳар Халқ таълими бўлимига қаршли махсус мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишда қабул комиссиясининг йўлланмаларини ҳисобга олиш дафтарчаси билан, жиноят ишининг 1-жилд, 206-варағидаги Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан Нукус шаҳар [REDACTED]

[REDACTED] ўтказилган текшириш натижаси юзасидан тузилган баённомаси билан, жиноят ишининг 1-жилд, 214-218-варақларидаги Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан Нукус шаҳар [REDACTED]

[REDACTED] молиявий-хўжалик фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилиги, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларининг ижрозиси таъминлаш юзасидан ўтказилган текшириш натижаси бўйича тузилган далолатномаси билан, жиноят ишининг 1-жилд, 221-223-варақларидаги Нукус шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан тузилган далолатномалари билан, жиноят ишининг 1-жилд, 287-варағидаги

Нукус шаҳар [REDACTED] тарбияланган болаларга сарф қилинган озиқ-овқатлар маҳсулотлар сўммаси ҳақидаги маълумотномаси билан, жиноят ишининг 1-жилд, 289-292-варақларидаги Нукус шаҳар [REDACTED] [REDACTED] томонидан 2009-2010 йилларда ва 2011 йилнинг январь-октябрь ойларида «Давлат санитария назорат ҳақида»ги Қонун талабларини ижросини таъминлаши юзасидан 2011 йил 23-25 ноябрда тузилган акти билан, жиноят ишининг 1-жилд, 298-299-варақларидаги Нукус шаҳар [REDACTED] [REDACTED] томонидан ортиқча тўланган иш ҳақиға туман (шаҳар) коэффиценти сўммаси ҳақидаги маълумотномаси билан; жиноят ишининг 2-жилд, 1-761-бетларидаги Нукус шаҳар [REDACTED] [REDACTED] жойлаштириш учун тақдим қилинган йўлланма маълумотномалари билан, жиноят ишининг 3-жилд, 1-376-варақларидаги 6-сонли болалар боғчасида тарбияланувчи болаларнинг маълумотномалари ва йўлланмалари билан, жиноят ишининг 4-жилд, 479-485-варақларидаги [REDACTED] [REDACTED] тарбияланувчи болалар рўйхати билан, жиноят ишининг 4-жилд, 486-558-варақларидаги [REDACTED] тарбияланувчи болаларнинг йўлланма ва қарорлари билан, жиноят ишининг 5-жилд, 4-варағидаги Республикалик сил касаллигига қарши курашиш диспансерида ўтказилган текшириш натижасида аниқланган хато ва камчиликлар тўғрисидаги маълумот билан, жиноят ишининг 5-жилд, 5-8-варақларидаги Республикалик сил касаллигига қарши курашиш диспансерининг 2010 йил 01 январь кунидан 2012 йилнинг 01 февраль кунига қадар оралиқдаги молиявий-хўжалик фаолиятига ўтказилган текшириш натижаси тўғрисидаги хулосаси билан; жиноят ишининг 5-жилд, 9-15-варақларидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан С.Султанов номидаги Республикалик сил касаллигига қарши курашиш диспансерининг 2010 йил 01 январь кунидан 2012 йил 01 февраль кунига қадар оралиқдаги молиявий-хўжалик фаолиятига ушбу диспансернинг лавозимли ходимлари томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни танлаб олиб кўриш йўли билан ўтказилган текшириш ишларининг 2012 йил 13 март кунги акти билан, жиноят ишининг 5-жилд, 368-варағидаги фуқаро А.Раимованинг Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига ёзган аризаси билан, жиноят ишининг 5-жилд, 373-варағидаги фуқаро Б.Еримбетованинг пушаймонлик аризаси билан, жиноят ишининг 5-жилд, 381-варағидаги фуқаро М.Ажиниязованинг пушаймонлик аризаси билан, жиноят ишининг 5-жилд, 393-варағидаги фуқаро Л.Абдисаттарованинг Қорақалпоғистон Республикаси прокурори номига фарзандини боғчага қабул қилганлиги учун ва фарзандига тиббий маълумотнома олиш учун деб пул талаб қилганлиги сабабли қонуний чора кўришни сўраб ёзган аризаси билан, жиноят ишининг 5-жилд, 413-варағидаги фуқаро М.Сейтованинг Қорақалпоғистон Республикаси прокурори номига 6-сонли боғча ходимларига тегишли чора кўришни сўраб ёзган аризаси билан, жиноят ишининг 5-жилд, 428-варағидаги фуқаро К.Алиевнинг Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига чора кўришни сўраб ёзган аризаси билан, жиноят ишининг 5-жилд, 462-варағидаги фуқаро Г.Аймурзаеванинг Қорақалпоғистон Республикаси прокурори номига

Республика сил касаллигига қарши курашиш диспансери шифокори [REDACTED] унинг фарзандини [REDACTED] жойлаштириш учун тиббий маълумотнома берганлиги учун ундан 30.000 сўм пора олганлигини кўрсатиб, [REDACTED] тегишли чора кўришни сўраб ёзган аризаси билан; жиноят ишининг 5-жилд, 467-варағидаги фуқаро З.Калмуратованинг 6-сонли болалар боғчасига боласини жойлаштириш учун ушбу боғчанинг [REDACTED] исмли хамшираси 150.000 сўм пул сўраган ҳолати юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокурори номига чора кўришни сўраб ёзган аризаси билан; жиноят ишининг 6-жилд, 19-бетидаги фуқаро А.Жанназарованинг уғли Т.Турсынбаевнинг 6-сонли болалар боғчасига жойлаштириш ва хужжатларни туғирлаш учун ҳар олти ойдан 50 минг сўм бериб туриши ва унга рози бўлса уғлини боғчага қабул қилиши ҳақидаги ҳолат юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига чора кўришни сўраб ёзган аризаси билан, жиноят ишининг 6-жилд, 101-варағидаги фуқаро З.Каражанованинг ўғилларини 6-сонли болалар боғчасига жойлаштириш учун боғча мудираси [REDACTED] ушбу боғчанинг хамшираси орқали 400 минг сўм пулларни берган ҳолати юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига чора кўришни сўраб ёзган аризаси билан, жиноят ишининг 6-жилд, 167-168-варақларидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҚР Назорат-тафтиш бошқармасининг 2013 йил 22 мартдаги Нукус шаҳар [REDACTED] тарбияланган болаларга сарф қилинган озиқ-овқат харажатлари сўммасини ҳисоблаб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси билан, жиноят ишининг 6-жилд, 169-174-варақларидаги Нукус шаҳар [REDACTED] 2009-2011 йиллар ва 2012 йилнинг 1 январь кунига қадар тарбияланган айрим болалар учун сарф қилинган харажатлар тўғрисидаги маълумотномаси билан бир қаторда жиноят иши юзасидан тўпланган бошқа далиллар йиғинидиси билан инкор қилинади.

Шунингдек, кассация инстанция судида судланувчи [REDACTED] айбини бўйнига олмасдан, биринчи инстанция судида берган кўрсатувларини инкор қилиб берган кўрсатувлари унинг жавобгарликдан қутилиш мақсадида, шунингдек, судланганлар [REDACTED] айбини енгиллаштириш мақсадида бераётган кўрсатмалари деб ҳисоблаб, кассация инстанцияси суди унинг ушбу кўрсатувларини инкор қилишни лозим топади.

Сабаби, судланувчи [REDACTED] дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида ҳимоячи адвокати иштирокида берган кўрсатувларида мактабгача таълим муассасасида хамшира бўлиб ишлаганида муассаса мудираси [REDACTED] топшириғига кўра болаларни боғчага қабул қилишда уларнинг ота-оналаридан ҳар хил баҳоналар билан пул талаб қилиб олиб келганлиги, олган пулларининг ҳаммасини мудира [REDACTED] бериб келганлиги, ўзига олиб қолмаганлиги, [REDACTED] болаларнинг ота-оналаридан дастлаб боғчага қабул қилиш учун деб пул талаб қилганлиги, кейинчалик вақт ўтиши билан болаларга тиббий маълумотнома олиш учун деб яна 40-50 минг сўмдан пул талаб қилганлиги, ўзи ушбу пулларни олиб, мудира [REDACTED] бериб келганлиги ҳақида кўрсатувлар бериб келган.

Судлов ҳайъати, судланган [REDACTED] ва уларнинг ҳимоячи адвокатларининг шикоятда келтирилган вазлари билан келишмади ва биринчи инстанция суди томонидан судланувчиларнинг жиноий ҳаракатлари тўғри квалификация қилиниб, амнистия акти қўлланилиб, жазо тайинламасдан жазодан озод қилиш ҳақида тўғри хулосага келинган деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, судлов ҳайъати судланган [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 490, 496, 506, 506¹, 509-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и:

[REDACTED] нисбатан чиқарилган Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг 2013 йил 02 сентябрдаги ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоятлар қаноатлантирилмасин.

Раислик қилувчи

М.Байниязов

Ҳайъат аъзолари

А.Абдиқаримов

Т.Турдымуратов

Ажрим нусхаси аслига тўғри,

М.Байниязов